

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ФВВ ВА МИЛЛИЙ
ГВАРДИЯ ҲАМКОРЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ:
ТАШКИЛИЙ-АМАЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Тлеубаев Ерполат Нажимович

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18360855>

Аннотация. Мақолада Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ва Миллий гвардия органларининг фавқулодда вазиятларни олдини олиш (профилактика) соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини ташкилий ва амалий такомиллаштириш истиқболлари илмий-амалий нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Тадқиқотда ҳамкорликнинг профилактикага йўналтирилган институционал архитектураси — рискни баҳолаш ва “сценарий” режалаштириш, ҳудудий мониторинг, ерта огоҳлантириш ва аҳолига хабардор қилиш, хавфли объектлар ва инфратузилмалар муҳофазаси, қўшма патрул-кузатув ва режим тадбирлари, қўшма ўқув-маишқлар, ресурслар ва логистика тайёргарлиги — тизимлаштирилади. Амалиётда учраётган чекловлар (SOPлар бирхил эмаслиги, маълумот алмашинувининг фрагментарлиги, ваколатлар “перекритие”си ёки “bo’shliq”лари, профилактика KPIларининг аниқ эмаслиги, кадрлар тайёргарлигидаги номутаносиблик) аниқланади. Яқунда ҳамкорликни кучайтириш учун ягона SOP ва штаб протоколлари, идоралараро рақамли платформа, risk-based regulation, қўшма тайёргарлик цикли, аудит ва KPI орқали баҳолаш, жамоатчилик билан коммуникацияни стандартлаштириш каби таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: ФВВ; Миллий гвардия; фавқулодда вазиятларни олдини олиш; идоралараро ҳамкорлик; risk-based planning; SOP; ерта огоҳлантириш; мониторинг; ресурслар тайёргарлиги; KPI.

Аннотация. В статье рассматриваются перспективы организационного и практического совершенствования взаимодействия Министерства по чрезвычайным ситуациям (МЧС) и органов Национальной гвардии в сфере предупреждения чрезвычайных ситуаций. Исследование систематизирует профилактико-ориентированную архитектуру сотрудничества: оценка рисков и сценарное планирование, территориальный мониторинг, раннее оповещение и информирование населения, охрана критической инфраструктуры и потенциально опасных объектов, совместные патрульно-режимные мероприятия, учения и тренировки, готовность ресурсов и логистики. Выявляются практические ограничения (неоднородность SOP, фрагментарный обмен данными, пересечение/пробелы в компетенциях, недостаточно определённые KPI профилактики, дисбалансы в подготовке кадров). В заключении предлагаются направления модернизации: единые SOP и штабные протоколы, межведомственная цифровая платформа, risk-based regulation, институционализация совместного цикла подготовки, аудит и KPI-оценка, стандартизация публичных коммуникаций.

Ключевые слова: МЧС; Национальная гвардия; предупреждение ЧС; межведомственное взаимодействие; risk-based planning; SOP; раннее оповещение; мониторинг; ресурсная готовность; KPI.

Abstract. This article examines prospects for organizational and practical enhancement of cooperation between the Ministry of Emergency Situations and the National Guard in

emergency prevention (disaster risk reduction). It systematizes prevention-oriented coordination mechanisms, including risk assessment and scenario planning, territorial monitoring, early-warning and public information, protection of critical infrastructure and hazardous sites, joint patrol/regime measures, joint drills, and resource/logistics readiness. The paper identifies key implementation constraints such as inconsistent SOPs, fragmented data exchange, overlapping mandates or accountability gaps, underdeveloped prevention KPIs, and uneven staff capacity. It concludes with modernization pathways: unified SOPs and staff protocols, an inter-agency digital platform, risk-based regulation, institutionalized joint training cycles, audit and KPI-based performance review, and standardized public communication.

Keywords: emergency prevention; disaster risk reduction; Ministry of Emergency Situations; National Guard; inter-agency cooperation; risk-based planning; SOPs; early warning; monitoring; KPIs.

Фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш реактив жавобдан кўра стратегик аҳамиятга эга бўлиб, рискларни олдиндан аниқлаш ва камайитиришга қаратилган барқарор бошқарувни талаб қилади. Бу жараёнда ФВВнинг махсус кутқарув ва мониторинг салоҳияти ҳамда Миллий гвардиянинг ҳудудий барқарорлик, режим ва объектлар хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари бир-бирини тўлдирувчи ресурс сифатида намоён бўлади. Шу боис ҳамкорликни профилактикага йўналтириб қайта ташкил этиш, SOP ва маълумот алмашинувиани стандартлаштириш, қўшма тайёргарликни институционал циклга айлантириш ҳамда натижадорликни аниқ KPIлар орқали баҳолаш масаласи долзарб ҳисобланади. Мустақиллик даврида мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш йўналишида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёнғинларга қарши курашиш бўйича мукамал тизим шакллантирилиб, ушбу соҳада моддий-техник базани мустаҳкамлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, ёнғин ва авария-қутқарув техникаси ҳамда жиҳозларининг маҳаллий турларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мавжуд тизим самарадорлигини ошириш муҳим масалага айланиб бормоқда. Бу жараёнда ривожланган хорижий тажрибани ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш, уларни илмий таҳлил асосида олиб борилиши замон талабига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 10 апрелдаги “Фавкулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4276-сонли Қарори¹ фикримиз тасдиғидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Янги Ўзбекистонда фавкулодда вазиятларни олдини олишда амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-амалий чора-тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан халқаро тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий ютуқларини миллий қонунчиликка сингдириш орқали асослантирилган илмий таклифлар бериш мазкур тадқиқотни илмий салоҳиятини янада бойитишга хизмат қилади.

¹ Мирзиёев Ш.М. 2019 йил 10 апрелдаги “Фавкулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4276-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси

Шу ўринда, сўнгги йилларда ер юзида глобал иқлим ўзгариши оқибатида дунёнинг қатор минтақаларида табиий офатлар рўй бериши минглаб одамларнинг уй-жойларига моддий зарар етказилиши ёхуд уларнинг ҳаёт мувозанатини бузилишига олиб келмоқда. Хусусан, тарихга назар ташласак², 838-839 йиллар **Фарғонада**, 942 йил **Бухорода**, 1208-1209 йиллар **Урганчда**, 1490 йил **Самарқандда**, 1494 йил **Наманганда**, 1620 йил **Ахсикентда**, 1821-1822 йиллар Бухоро ва Самарқанд яқинида ҳамда 1966 йил Тошкент шаҳрида талофатли zilzilalar бўлиб ўтган.

Бундан ташқари, 1556 йил **Хитойда**ги Шанси zilzilasiда 830 минг, 1737 йил **Ҳиндистонда**ги Калькуттада 300 минг, 1923 йил **Японияда**ги Кантода 143 мингга яқин, 1970 йил **Перуда** 70 минг, 1976 йилда **Хитойда**ги Тяньшанда 240 минг киши ҳаётдан кўз юмган. Сўнгги 150 йил мобайнида zilzila туфайли дунё бўйича умумий қурбон бўлган одамларнинг сони 2 млн 300 мингдан ортган³. Шунингдек, **Хитой Халқ Республикаси**нинг шимолий қисмида жойлашган Шанси вилоятида 2023 йил 18 июнда бўлиб ўтган кучли сув тошқини оқибатида бир миллиондан ортиқ аҳоли жабрланди, 600 киши қурбон бўлди⁴. Орадан 4 кун ўтиб, яъни 22 июнь куни **Россиянинг** Жанубий қисмлари Ставропол ўлкаси, Карачаева-Чернеский ва Чеченистонда кузатилган сув тошқинларида 300 дан ортиқ киши жабрланди, 91 киши қурбон бўлди. Шунингдек, 2003 йилнинг ёзида Европа мамлакатлари бўйлаб кузатилган жазирама иссиқда минглаб гектар ўрмонларга ўт кетди. Мазкур офат натижасида биргина **Франция** давлатининг ўзида уч мингга яқин кекса одамлар қурбон бўлишди, минглаб одамлар касалхоналарга ётқизилди.

Бундан ташқари, фавқулодда вазиятларнинг яна бир кўриниши бўлган авиаҳалокатлар билан боғлиқ салбий ҳодисалар минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда. Жумладан, Тайвань бўғози устида содир бўлган Боеинг 747 фожиаси 2002 йил 25 май куни “Чина Аирлинес” авиакомпаниясига тегишли Боеинг 747-209Б йўловчи самолёти авиаҳалокатга учраб Тайвань бўғозига қулаб, самолёт бортида бўлган 225 киши (206 йўловчи ва 19 экипаж аъзоси) ҳалок бўлган⁵ ёки 2002 йил 27 июл куни **Украинанинг** Львов яқинидаги “Скнилов” аэродромида ўтказилган авиашоу пайтида Су-27 ўқув-жанговор самолёти томошабинлар устига қулаб тушиши натижасида жами 300 киши жароҳатланган бўлиб шундан, вафот этганлар сони 77 киши (*шундан, вояга етмаганлар болалар сони 28 та*)ни ташкил этгани⁶ шулар жумласидандир.

Жаҳон ҳамжамиятида шу каби салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида 2005 йилнинг январ ойида **Япониянинг** Коби шаҳрида бўлиб ўтган ва табиий офатлар таҳликасини камайтиришга қаратилган анжуманда “**Хуог**”⁷ декларацияси қабул қилинган бўлиб, мазкур декларацияга биноан давлатлар 2005-2015 йиллар оралиғида аҳоли учун табиий офатлар оқибатини камайтириш йўналишида маълум фаолиятни амалга оширган.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар келиб чиқиб, бугунги кунда Янги Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф

²Ўша манбаа: 6- бет.

³Қурбонов Ж.М., Мамарасулов З.Э. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Самарқанд, СамИСИ, 5-бет

⁴<https://www.currenttime.tv/a/china-earthquake/32736652.html>

⁵ https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%B0%D1%82%D0%B0%D1%81%D1%82%D1%80%D0%BE%D1%84%D0%B0_Boeing_747_%D0%BD%D0%B0%D0%B4_%D0%A2%D0%B0%D0%B9%D0%B2%D0%B0%D0%BD%D1%8C%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%BC_%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%BB%D0%B8%D0%B2%D0%BE%D0%BC

⁶ 15 лет трагедии на Львовском авиашоу. Тогда погибли 77 человек // <https://www.currenttime.tv/a/28643303.html>

⁷ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/hyogodecl.shtml

этишда давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлиги жуда муҳимдир. Айниқса, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасидаги ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш стратегик аҳамиятга эга. Чунки ушбу икки тузилма фавқулодда вазиятларга жавоб бериш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва офатларнинг оқибатларини камайтириш борасида ўзаро бир-бирини тўлдирувчи вазифаларни бажаради.

Шу ўринда, мамлакатда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ва Миллий гвардия ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш зарурати нимада? деган ўринли савол юзага келади. Бизнингча, мазкур ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришнинг долзарблигига қуйидаги омилларни келтириш мақсадга мувофиқ. Буларга:

а) офатларга жавоб беришда тизимли ёндашувни шакллантириш — бунда, ФВВ табиий, техноген ва ижтимоий хавфларни мониторинг қилиш ва уларга жавоб бериш бўйича масъул тузилма ҳисобланади. Миллий гвардия эса фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини эвакуация қилиш ва стратегик объектларни муҳофаза қилиш вазифаларини бажаради. Бу икки тузилманинг вазифалари бир-бирини тўлдиргани боис, **идоралараро мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш** зарур;

б) давлат хавфсизлиги ва миллий барқарорликни таъминлаш — табиий офатлар, техноген авариялар ёки терроризм таҳдидлари юзага келганда, Миллий гвардия ва ФВВнинг биргаликда ҳаракат қилиши хавф-хатарни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, **идоралараро фавқулодда вазиятлар штабларини яратиш** ва уларнинг ишлаш механизмларини такомиллаштириш зарур;

в) ахборот алмашинуви ва оператив муносабат механизмларини такомиллаштириш — ҳозирги кунда ФВВ ва Миллий гвардия ўртасида автоматлаштирилган рақамли ахборот алмашинуви тизими мавжуд эмас. Хусусан, **АҚШ, Германия ва Франция** тажрибалари шуни кўрсатадики, фавқулодда вазиятларда давлат ташкилотлари ўртасида **яхлит рақамли платформа** орқали маълумот алмашинуви муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ҳам шундай тизимни жорий этиш Миллий гвардия ва ФВВ ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириб, фавқулодда вазиятларга тезкор жавоб қайтариш самарадорлигини оширади.

Мазкур омиллардан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни олдини олишда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштиришга салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларга қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин. Буларга:

биринчидан, ташкилий-ҳуқуқий муаммолар — мазкур муаммолар мамлакатда фавқулодда вазиятларга оид ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳолда бўлиб, ягона **“Фавқулодда вазиятлар кодекси”** ишлаб чиқиш орқали тизимлаштирилмаган. Шунингдек, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўртасидаги ваколатлар аниқ тақсимланмаган ҳамда миллий қонунчилик халқаро стандартлар билан тўлиқ уйғунлаштирилмаган;

иккинчидан, техник ва инфратузилмавий муаммолар — мазкур муаммолар давлатда табиий офатлар мониторингини кучайтириш учун замонавий ахборот технологияларининг жорий қилиниши чекланганлиги шунингдек, Миллий гвардиянинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга мўлжалланган махсус техника ва жиҳозларнинг етарли эмас, шу билан бирга суғориш ва ирригация тизимларининг эскирганлиги мамлакатда сув тошқинлари хавфини оширишга сабаб бўлади;

учинчидан, кадрлар тайёрлаш ва халқаро тажриба билан интеграциялаш муаммолар — мазкур муаммолар мамлакатда фавқулодда вазиятларга жавоб бериш тизимида ишловчи ходимларнинг малакасини ошириш учун халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик етарлича кучайтирилмаганлиги, фавқулодда вазиятларни олдини олишга оид миллий таълим дастурлари ва симуляция машғулотлари чекланган ҳолда ўтказилаётганлиги шунингдек, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари ўртасида ҳамкорлик ва тажриба алмашинуви етарли даражада тизимлаштирилмаган.

Бугунги глобаллашув жараёнида табиий ва техноген фавқулодда вазиятларни олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун давлатлар самарали бошқарув тизимларини яратишга катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, **Япония, АҚШ ва Европа Иттифоқи** сингари ривожланган давлатларда фавқулодда вазиятларга жавоб бериш, хавфларни камайитириш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган замонавий тизимлар жорий этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасида ҳамкорликни такомиллаштириш ва хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида халқаро тажрибани ўрганиш ва миллий қонунчиликка сингдириш зарур. Ушбу мақсадда, ривожланган давлатларнинг тажрибасини таҳлил қилиб, қуйидаги йўналишларни амалга ошириш мумкин.

Япония давлатида — табиий офатлар хавфини камайитириш ва фавқулодда вазиятларга тайёргарликни ошириш бўйича дунёдаги энг ривожланган тизимлардан бирини жорий этган давлатлардан ҳисобланади. Мамлакатда “**Kobe Framework**” (*Кобе доиравий дастури*) асосида хавфларни бошқариш стратегиялари ишлаб чиқилган. Ушбу стратегия асосида **Японияда** фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг қуйидаги асосий хусусиятлари белгиланган. Буларга:

- 2005 йилда қабул қилинган бу дастур табиий офатларга тайёргарлик ва жавоб бериш механизмларини такомиллаштиришга қаратилганлиги;
- ҳар бир давлат ташкилоти учун фавқулодда вазиятларда ҳаракатлар алгоритми ишлаб чиқилганлиги;
- ҳудудий хавф-хатарларни баҳолаш ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланганлиги;
- ҳар йили Кобе шаҳрида ва бошқа вилоятларда фавқулодда вазиятларга тайёргарлик бўйича симуляция машғулотлари ўтказиш белгиланганлиги;
- мактаблар, давлат ташкилотлари ва ҳукумат органлари фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича мунтазам ўқув машғулотларидан ўтиши.

Шунингдек, Японияда ҳар бир фуқаро учун махсус “*Офатлардан ҳимоя қилиш*” давлат дастури ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, табиий офатлар хавфи юқори бўлган ҳудудларда ахборот алмашинуви учун махсус марказлар ташкил этилган. Шунингдек, гео-информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда хавфли зоналар харитаси яратилади ва мунтазам янгиланган борилади. Бундан ташқари, “*Disaster Countermeasures Basic Act*” – Японияда 1961 йил 15 ноябрда қабул қилинган қонун. Ушбу қонун мамлакатда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бошқариш учун институционал асосларни белгилайди. У марказий ва маҳаллий даражадаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш кенгашларининг ташкилий тузилмаси, вазифалари, ваколатлари ва

мажбуриятларини аниқ белгилайди⁸. Шунингдек, қонун фавқулодда вазиятларни олдини олиш режаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, фавқулодда ҳолатлар ва тикланиш чораларини амалга ошириш тартибини тартибга солади.

Америка Қўшма Штатлари — мазкур давлатда эса фавқулодда вазиятларга жавоб беришнинг асосий органи “**Federal Emergency Management Agency**” (FEMA) ҳисобланади. Ушбу агентлик табиий офатлар, техноген авариялар ва миллий хавфсизлик таҳдидларига жавоб беришда етакчи орган ҳисобланади. FEMA тизимининг асосий хусусияти мамлакатда фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудда жавоб бериш марказлари ташкил этишга қаратилган.

Шунингдек, FEMA фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш учун дронлар, сунъий интеллект ва спутник технологияларидан фойдаланиб, мамлакатда фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўришда хавфли зоналарни аниқлашда гео-информацион тизимлардан қўлланилади.

Бундан ташқари, **АҚШ**да фавқулодда вазиятлар пайтида маълумотлар алмашинувини тезкор ва автоматлаштирилган тарзда амалга оширадиган “**National Emergency Management Information System**” (NEMIS) тизим йўлга қўйилган. Мазкур тизим мамлакатда табиий офатлар пайтида ҳудудий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларга жавоб бериш жараёнларини мувофиқлаштиради⁹.

Европа Иттифоқи — мазкур иттифокда фавқулодда вазиятларни бошқариш “**Union Civil Protection Mechanism**” (UCPM) марказ орқали амалга оширилади. Бу марказ Европа давлатлари ўртасида фавқулодда ҳолатларда жавоб беришни мувофиқлаштиришга қаратилган. Мазкур “**Union Civil Protection Mechanism**” маркази табиий офатлар ва техноген авариялар пайтида барча Европа давлатларини биргаликда ҳаракат қилишга ундайди.

Япония, АҚШ ва Европа Иттифоқининг фавқулодда вазиятларда ҳамкорлик муносабатларини тартибга солиш бўйича илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, *ташкилий-ҳуқуқий, техник-инфрамузилмавий* ҳамда *кадрлар тайёрлаш* ва *халқаро тажриба билан интеграциялаш муаммоларини* бартараф этиш юзасидан қуйидаги илмий таклифлар илгари сурилади:

биринчидан, ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар. Буларга:

а) бугунги кунда Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларга оид қонунчилик тарқоқ ҳолда бўлиб, интеграцияланган ҳуқуқий база мавжуд эмас. Шу сабабли, “**Фавқулодда вазиятлар кодекси**” ишлаб чиқилиб, барча мавжуд қонунлар, қонуности ҳужжатлари ва низомларни ягона меъёрий ҳужжатга бирлаштириш лозим.

б) Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги қонунчилик ҳали ҳам тўлиқ халқаро стандартларга мослашмаган. Бунинг учун БМТнинг “**Sendai Framework for Disaster Risk Reduction**” (2015–2030) халқаро стратегияси асосида хавф-хатарларни камайтириш дастурларини ишлаб чиқиш шунингдек, “**Офатлар хавфини бошқариш бўйича халқаро стандартлар**” (ISO 31000): ISO 31000 стандарти хавфларни бошқариш бўйича умумий йўриқномаларни белгилайди, бу фавқулодда вазиятларда идоралараро мувофиқлаштирувни таъминлашга хизмат қилади.

⁸ Disaster Countermeasures Basic Act

⁹ https://www.oig.dhs.gov/sites/default/files/assets/Mgmt/OIG_04-02_Dec03.pdf

Бундан ташқари, Япониянинг “Disaster Countermeasures Basic Act” (1961) қонунчилигидаги давлат ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини миллий тизимга жорий қилиш.

Иккинчидан, техник ва инфратузилмавий муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифлар. Буларга:

а) АҚШнинг FEMA (Federal Emergency Management Agency) ва NEMIS (National Emergency Management Information System) тажрибасидан келиб чиқиб, яхлит рақамли мониторинг платформасини ишлаб чиқиш;

б) Гео-информацион тизимлар, сунъий интеллект (AI) ва дронлар ёрдамида фавқулодда вазиятларни тезкор кузатиш ва таҳлил қилиш механизмларини жорий этиш;

в) “Smart Emergency Management System” платформасини ишлаб чиқиш ва барча давлат органларини ушбу тизимга интеграция қилиш;

г) Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги учун замонавий махсус техника ва жиҳозларни таъминлаш;

д) Япониянинг “Kobe Framework” дастури доирасидаги фавқулодда вазиятларга жавоб бериш тизими каби, Ўзбекистонда Миллий гвардия ва ФВВ учун махсус техника ва қутқарув жиҳозларини модернизация қилиш;

е) Япония ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда қутқарув техникаларини импорт қилиш ҳамда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш;

ё) сув тошқинларининг олдини олиш мақсадида ирригация ва суғориш тизимларини модернизация қилиш ва БМТ ҳамда Жаҳон банки лойиҳалари асосида молиялаштириш.

Учинчидан, кадрлар тайёрлаш ва халқаро тажриба билан интеграциялаш муаммоларини ҳал қилиш. Буларга:

а) фавқулодда вазиятларга жавоб бериш тизимида ишловчи ходимларнинг малакасини ошириш учун Япония, АҚШ ва Германия каби давлатлар билан ҳамкорликда ўқув дастурларини ташкил этиш;

б) Франциянинг “Sécurité Civile” тизими асосида ҳарбий хизматчилар ва фавқулодда вазиятларда ишловчи ходимлар учун махсус курсларни ташкил этиш;

в) Европа Иттифоқи (UCPM) тажрибаси асосида Миллий гвардия ва ФВВ ўртасида ягона тренинг-марказни яратиш;

г) фавқулодда вазиятларга жавоб бериш бўйича симуляция машғулотларини жорий қилиш;

д) Япония тажрибаси асосида Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари учун дастурлаштирилган симуляция машғулотларини йўлга қўйиш;

е) АҚШдаги FEMA Академияси каби, Ўзбекистонда ҳам **Фавқулодда вазиятлар ва хавфларни бошқариш институти** ташкил этиш;

ё) VR (виртуал реаллик) ва AR (аугментед реаллик) технологиялари ёрдамида симуляция машғулотларини ўтказиш тизимини жорий этиш.

Хулоса ўрнида, юқорида илгари сурилган тақлифларни амалга ошириш келажакда Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларга жавоб бериш тизимини халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу орқали:

биринчидан, қонунчилик тизимлаштирилиб, “Фавқулодда вазиятлар кодекси” қабул қилинади;

иккинчидан, идоралараро мувофиқлаштириш механизмлари аниқ белгилаб берилади;

учинчидан, фавкулудда вазиятларни мониторинг қилиш учун рақамли тизимлар жорий этилади;

тўртинчидан, кадрлар тайёрлаш ва халқаро тажриба алмашинуви кучайтирилади;

бешинчидан, Миллий гвардия ва ФВВ ўртасида ҳамкорлик янги босқичга олиб чиқилади.

Мазкур ислохотлар Ўзбекистоннинг табиий ва техноген фавкулудда вазиятларга самарали жавоб бериш имкониятларини кенгайтиради ҳамда давлат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

ФВВ ва Миллий гвардия ўртасида фавкулудда вазиятларни олдини олиш бўйича ҳамкорликни такомиллаштиришнинг асосий истиқболи — “ягона профилактика контури”ни шакллантиришга боғлиқ. Бунинг учун ваколатларни аниқ чегаралаш, ягона SOP ва штаб протоколларини жорий этиш, рискка асосланган режалаштиришни (scenario planning) мустаҳкамлаш, идоралараро рақамли интеграция орқали мониторинг–огоҳлантириш–реакция занжирини узлуксиз қилиш мақсадга мувофиқ.

Қўшма ўқув-машқларни доимий циклга айлантириш, ресурс ва логистика тайёргарлигини “бирлашган стандарт” асосида баҳолаш, KPI ва аудит орқали ҳисобдорликни кучайтириш ҳамкорликнинг амалдаги самарадорлигини оширади.

Натижада, ҳамкорлик фақат ҳодиса вақтидаги мувофиқлашув эмас, балки рискни камайитишга хизмат қиладиган профилактик бошқарув модели сифатида барқарорлашади.